

---

## Ер билан тиллашган қуваликлар

Қуваликлар ҳар бир қарич ерни олтинга тенглаштиришади. Бу бежиз эмас. Сабаби бугун Қува туманида томорқасидан «хазина» топаётган оилалар жуда кўп.

Туманимиз аҳолиси мўжазгина томорқасидан самарали фойдаланиб йилига 3-4 марта ҳосил олиб қўшимча даромад манбаларини яратишмоқда.

Баҳорнинг илк кунларида томорқасидан биринчи ҳосилни йиғиб олиб, иккинчи ҳосилни экишга ер тайёрлаш ва экиш ишлари билан банд бўлишмоқда.

Етиштирилган ҳосил нафақат туманимиз балки вилоятимиз бозорларига етказиб берилиб халқимиз дастурхонига етиб бормоқда.

Туманнинг Кандабулоқ маҳалласидаги аҳоли томорқаларида ҳам ишлар қизғин тус олган. Ҳонадон соҳиблари томорқаларида ташкил этилган иссиқхоналарида сабзавот етиштириб ҳосилни йиғиб олмоқдалар. Томорқасидан йилига 3-4 мартаба ҳосил олаётган дехқонлар 50-60 млн.сўм даромадга эга бўлмоқдалар.

2023-03-14 13:18:03